

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 330.43:311.3(575.1)

САЙФУЛЛАЕВ СИДДИК НОСИРОВИЧ


**ҲУДУДЛАРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК
БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ
СТАТИСТИК ТАДЌИКИ**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш
учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: З.Х. Тошматов и.ф.д., профессор

Тошкент – 2023



МУНДАРИЖА

бет
3

И БОБ.	ХУДУДЛАРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ СТАТИСТИК ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	12
1.1.	Худудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини статистик ўрганишнинг назарий асослари.....	12
1.2.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни.....	12
1.3.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион ривожланиши бўйича хорижий тажрибадан фойдаланиш йўналишлари..... I-боб бўйича хулоса.....	19 31 41
П БОБ.	ХУДУДЛАРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ..	43
2.1.	Худудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар тизими.....	43
2.2.	Худудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг статистик кўрсаткичлари орқали худудлар рейтингини баҳолаш.....	56
2.3.	Индекслар усули ёрдамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини статистик таҳлили..... 2-боб бўйича хулоса.....	68 76
П БОБ.	ХУДУДЛАРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ.....	78
3.1.	Худудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини эконометрик моделлаштиришнинг назарий асослари.....	78
3.2.	Худудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини Panel таҳлили асосида эконометрик моделлаштириш.....	85
3.3.	Худудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини баҳолаш ва прогнозлаш..... 3-боб бўйича хулоса.....	94 103
	ХУЛОСА.....	106
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	109
	ИЛОВАЛАР.....	119

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зуурати. Жаҳонда глобал миқёсдаги рақобатнинг кучайиб бориши шароитида кўплаб ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)дан аҳоли бандлигини таъминлаш, рақобат муҳитини шакллантириш, инновацион фаолликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий тенгиззикни юмшатиш бўйича муҳим ижтимоий-иктисодий функцияларни амалга оширишда самарали фойдаланилмоқда. КБХТнинг анъанавий тарзда иктисодиётнинг ўсиш суръатини кўтариш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасида улкан салоҳиятга эгалиги намоён бўлмоқда. “Ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг таркибида КБХТ соҳасининг ҳиссаси 50 фоиздан юқори, банд аҳолининг 63 фоизи ушбу соҳада машғул эканлигини кўришимиз мумкин”¹. Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, худудларнинг инновацион ривожланишида КБХТ фаолиятидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон иктисодиётининг ҳозирги глобаллашув шароитида худудларнинг инновацион ривожланишида КБХТ фаолиятидан фойдаланиш тадқиқига йўналтирилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Худудларнинг иктисодий-инновацион ривожланиш салоҳиятини баҳолаш, унда КБХТнинг таъсир даражасини аниқлаш, бизнес фаолиятини ҳозирги замонавий ёндашувлар асосида илғор технология ва бошқарув усулларини ташкил этиш, худудлардаги ички салоҳиятни кичик тадбиркорлик фаолияти орқали ишга солиш кабилар бу борадаги илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда юқори ва барқарор ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминлашда худудларни инновацион ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иктисодиётни модернизациялашда кичик

¹ <https://www.worldbank.org/en/topic/smefinance> маълумотлари.